

А Ж Р И М

(Ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиши тўғрисида)

2024 йил июнь ойининг 24 куни, жиноят ишлари бўйича Чуст туман суди ўз биносида, раислик қилувчи туман судининг судьяси С.С.Юлдашев, М.Мамасолиевнинг котиблигида, тарафлардан Чуст туман прокурорининг ёрдамчиси Б.Тўланбоев, судланувчи Х.Кўчқаров, жабрланувчи Ш.Икромова иштирокида,

Кўчқаров Хусанбой Тулаганович (Qo'chqarov Xusanboy Tulaganovich) 1985 йил 22 ноябрь куни Чуст туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали икки нафар фарзанди бор, вақтинча ишсиз, муқаддам судланмаган, Чуст тумани, “Машхад” МФЙ, Олмазор кўчаси, 66-уйда яшайди, муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2024 йил 30 июнда олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 126¹-моддаси 4-қисми билан айблаш ҳақидаги 1-1611-2402/229-сонли жиноят ишини кўриб, қуйидагиларни

Суд, суд мажлисида судланувчи ва жабрланувчини судга тақдим этган ўзаро ярашув ҳақидаги аризаларини кўриб чиқиб, уларнинг кўрсатувларини ҳамда тарафларнинг фикрини эшитиб, жиноят иши ҳужжатлари билан танишиб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи Х.Кўчқаров 2024 йил 09 июнь куни соат 19:00 ларда яшаш хонадониди, мазкур хонадонда ўзи билан бирга яшовчи турмуш ўртоғи Ш.Икромова билан ўзаро оилавий келишмовчиликлар сабаб жанжаллашиб қолиб, жанжал давомида Х.Кўчқаров турмуш ўртоғи Ш.Икромовани баданининг турли қисмларига кўли билан қасддан уриб, Ш.Икромовага ўртача оғирликдаги тан жароҳати етказган.

РСТЭИАМНВФ Чуст тумани бўлинмасининг №1189/1142-сонли судга оид тиббий экспертиза хулосасида, фуқаро Ш.Икромованинг баданида калла мия ёпиқ шикасти, бош мия чайқалиши, бурун суягининг асоратли майдаланиб синиши, икки томонлама нафас олишни бузилиши, (нафас олиш қийинлиги) иккала кўз қовоқ, ёноқ сохалари гематомаси, тери ости қон қуйилишлари, ўнг ияк ва тирсак сохаси қонталашлари аниқланган бўлиб, ушбу тан жароҳатларини йиқилиб тушиб олиш эҳтимоли камлиги, юқоридаги тан жароҳатлари оғирлик даражаси кўра ўртача оғир тан жароҳатлари тоифасига кириши кўрсатилган.

Дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Х.Кўчқаровга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 126¹-моддаси 4-қисми билан айб эълон қилиниб, жиноят ишини мазмунан судда кўриб чиқиш учун юборилган.

Судланувчи Х.Кўчқаров судда, ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбига тўлиқ иқроор экани, қилмишидан пушаймонлигини, содир этган қилмишининг оқибатларини англагани, турмуш ўртоғи Ш.Икромовага етказилган моддий ва маънавий зарарларни тўлиқ қоплагани, у билан бирон-



бир тазйиксиз ярашиб олгани ҳақида кўрсатув бериб, уни жиноий жавобгарликдан озод қилиб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Жабрланувчи Ш.Икромова судда ярашув тўғрисида ариза тақдим этиб, турмуш ўртоғи Х.Қўчқаровга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, Х.Қўчқаров унга етказилган моддий ва маънавий зарарларни тўлиқ қоплагани, Х.Қўчқаров билан ихтиёрий равишда ярашиб олгани, унга бирон-бир тазйик бўлмагани, суд томонидан унга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисми талаблари, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқлиги тушунтирилгани ҳақида кўрсатув бериб, Х.Қўчқаровга оид жиноят ишини тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ЖКнинг 126¹-моддаси 4-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқдор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди 2002 йил 25 октябрь кунидаги 27-сонли “Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида” Пленум қарорининг 4-банди 2-хатбошида, ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд зиммасига қонун билан юклатилган мажбуриятлардан бири, бу - ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни жабрланувчи (фуқаровий даъвогар)га тушунтириш шартлигидир. Қонуннинг ушбу талабига риоя этмаслик ярашув тўғрисидаги иш бўйича чиқарилган қарорнинг бекор қилинишига асос бўлиши мумкин.

Судлар шуни назарда тутишлари керакки, жабрланувчи (фуқаровий даъвогар) фақат биринчи инстанция суди маслаҳатхона(алоҳида хона)га киргунга қадар айбланувчи (судланувчи) билан ярашишдан воз кечишга ҳақли.

Суд, жабрланувчи Ш.Икромова ҳамда судланувчи Х.Қўчқаровнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини, жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, Чуст туман прокурорининг ёрдамчиси Б.Тўланбоевнинг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрларини эшитиб, судланувчи Х.Қўчқаровнинг айбига ихтиёрий иқдорлиги ва етказилган зарарларнинг тўлиқ қоплаганлиги, жабрланувчига бирон-бир тазйик бўлмаганлиги, ярашув судланувчи ва жабрланувчининг хоҳиши билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноят ЖКнинг 66¹-моддасида назарда тутилган жиноятлар доирасига мансублигини инобатга олиб, Х.Қўчқаровга нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим топади.

Шунингдек суд, жабрланувчи Ш.Икромовага Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг улар мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 585-586-моддаларига амал қилиб, суд



А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Кўчқаров Хусанбой Тулагановичга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 126¹-моддаси 4-қисми билан юритилган жиноят иши тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатилсин.

Х.Кўчқаровга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси ажрим қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин.

Иш бўйича моддий ва маънавий зарар қопланганлиги инобатга олинсин.

Жабрланувчи Ш.Икромовага Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотиши тушунтирилганлиги инобатга олинсин.

Ажримдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан, судланувчи ва жабрланувчининг қонуний вакили ажрим нусхасини олган кундан эътиборан ўн сутка ичида Наманган вилоят судига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргач кассация тартибида шикоят ёки протест келтиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:

С.С.Юлдашев

Маъсул судья: Юлдашев Сарваржон Солижонович

